



**Иш вазифаси**

// *доғжностные обязанности*

## **ГУРУХ ВА КОТИБИЯТЛАР РАХБАРЛАРИ**

[www.andijan.uz](http://www.andijan.uz)

**Андижон вилояти ҳоқимлиги**

### **Саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича тўғрисида Н И З О М**

#### **I. Умумий қоидалар**

Вилоят ҳоқимлигининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича қотибияти, вилоят ҳоқимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 яевардаги “Давлат бошқарувихудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган. Қотибият Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ фаолият юритади вилоят ҳоқимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунди.

Қотибият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституция қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорлари, вилоят ҳоқимининг қарор ва фармойишлари ҳамда мазкур низом асосида амалга оширади.

#### **II. Қотибиятнинг асосий вазифалари**

1. Андижон вилояти ҳоқимлиги саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича қотибияти, амалдаги қонун, қарор ва фармойишларга асосланган ҳолда, қурилиш ислоҳотларини чуқурлаштириш, ҳамда:

- вилоят ҳоқимлигининг “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси, вилоят архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси, ихтисослашган қурилиш-монтаж ва лойиҳалаш ташкилотлари, коммунал хизмат курсатиши, коммуникация (транспорт, алоқа) қорхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади ва вилоят ҳоқими, ҳоқимнинг ўринбосарига (саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуа раҳбари) бўйсунди.

2. Андижон вилояти ҳоқимлигининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича қотибиятининг асосий вазифалари:

- капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш;

- капитал қурилишда пудрат ишлари, қурилиш объектларини, ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширилишида, алоҳида аҳамиятга эга бўлган объектлар (қасб-хунар коллежлари, академик лицейлар, инфратузилмаси объектлари ва ҳоказо) ишга туширилишини таъминлаш мақсадида жойига чиқиб амалий ёрдам кўрсатиш ва маълумотномалар тайёрлаш;

- қурилишда маҳсус қурилиш монтаж ишларини бажариш учун ёрдамчи пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузилишида ва ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотларига келишилган иш ҳажмлари учун материал-техника ресурслари ажратишда назорат ўрнатиш;

- шаҳар ва туман ҳоқимликларига ижро учун юборилган вилоят ҳоқимининг қарорлари, фармойишлари ҳамда топшириқларини бажарилишини назорат қилиш;

- вилоят худудида жойлашган кам қувватли норентабел қурилиш ташкилотларини белгиланган тартибда тугатиш ва қайта ташкил этиш бўйича вилоят комиссиясига таклифлар киритиш;

- қурилиш жамоа ташкилотларини мулк шаклини ўзгартириш, нодавлат хусусий ташкилотларига ўтказиш бўйича қурилиш ташкилотларига амалий ёрдам бериш;

- вилоятда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ва конструкцияларини сифатини яхшилаш ва харидорлигини ошириш, ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этиш ва қўшма корхоналар (СП) тузишда шаҳар ва туман ҳудудларида жойлашган қурилиш корхоналари ва пудрат ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш;

- қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан тасдиқланган минтақавий дастур асосида ишлар олиб бориш;

- вилоятнинг шаҳар, туман ҳокимликларига ва корхоналарига қурилиш ишлари бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

- вилоят аҳолисини автотранспорт хизматида бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида (йўналишларни тендердан ўтказиш автотранспортларни техник созлигини амалга ошириш, ҳаракат хавфсизлигини ва экологик муҳитни яхшилаш) бўйича керакли таклифларга амалий ёрдам бериш;

- Котибият ваколатига қарашли масалалар бўйича зарур бўлганда вилоят ҳокимлигининг бошқармалари, бирлашмалари, концернлари, қурилиш трестлари, ассоциациялари, ташкилотлари, корхоналари, қуйи маҳаллий давлат органлари раҳбарлари ва масъул ходимларни таклиф этади ва уларни эшитади;

- Котибият мутахассислари шаҳар ва туман ҳокимликларида қурилиш масалалари бўйича ўтказилаётган йиғилишларда иштирок этади, ўз ваколати доирасида аҳолини қабул қилиш, жойларда уларнинг аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиб ҳал қилишларини таъминлайди.

### **III. Котибиятнинг тузилиши ва ишнинг ташкил этилиши**

Котибиятнинг тизимига вилоят ҳокимининг 2004 йил 6 январ 2-сонли қарорига биноан: котибият мудир, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва референт киради.

Котибият ходимлари юқори малакали мутахассис, талабчан, янгиликка интилувчан давлат ва маҳаллий бошқарув органларида ишлаган тажрибали мутахассислар бўлиши керак.

Котибият ўз фаолиятини дастур, йиллик ва ойлик иш режалари асосида иш олиб боради. Котибиятда ҳар ҳафтад йиғилишлар ўтказилиб қилиниши зарур бўлган топшириқлар ҳамда иш режаларини бажарилиши, қарор ва фармойишларнинг ижросини таъминлаш, котибият мутахассислари ҳафтада амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот берадилар ва янги ҳафтага мўлжалланган ишлар белгилаб олинади.

Котибият мутахассислари шаҳар ва туман ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича муовинлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган режа ва топшириқларни бажарилишини назорат қиладилар ва ташкилот раҳбарларига режаларни бажаришда учрайдиган муаммоларни ечимда амалий ёрдам кўрсатадилар.

### **IV. Котибият ходимларининг вазифалари:**

#### **1. Котибият мудир**

Котибиятнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади, котибият ваколатига кирадиган вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилайди.

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қурилиш ислохотларини чуқурлаштириш, коммуникация (транспорт, алоқа) тармоқларини замонавий андозаларга кўтариш мақсадида, шаҳар ва туман ҳокимликлари ва бошқа органларининг иш фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритади. Котибиятга келган ҳужжатларни қарор ва фармойишларда кўрсатилган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Бош мутахассис ва етакчи мутахассисларга керакли аниқ топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назоратга олади, вилоят фаоллар йиғилишларининг иш режаси лойиҳасини тайёрлашга ва ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатади. Вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларининг котибият масалалари бўйича тайёрлашда шахсан бошчилик қилади.

Ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича вилоят ҳокимлиги раҳбариятига котибиятнинг фаолияти ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларининг қурилиш бўйича ўринбосарлари олиб бораётган ишлари тўғрисида маълумот беради.

Котибиятга тегишли ташкилот раҳбарларини танлаш, лавозимга тавсия этиш ва зарур бўлганда алмаштириш масалаларини ҳамда уларни рағбатлантиришни кўриб чиқади ва вилоят ҳокимининг ўринбосарига таклифлар тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш гуруҳи раҳбарлари ва мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Қурилиш, уй-жой ва коммуникация мажмуасига кирадиган ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан биргаликда қуйидаги ташкилотларни фаолиятини таҳлил қилади ва уларнинг муаммоларини ечишда иштирок этади, фикр-мулоҳаза юритиб вилоят ҳокимига, вилоят ҳокимининг ўринбосарига таклифлар тайёрлайди.

**Саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибият мудир**